

АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ-ТАЪЛИМ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ОМИЛИ СИФАТИДА

Жалолиддин Алишер ўғли Нурқулов

Гулистон давлат университети, Ахборот технологиялари факультети, Амалий математика ва информатика йўналиши, 3-босқич талабаси

Аннотация: Мақолада ўқув жараёнида замонавий компьютер технологиялари имкониятларидан фойдаланган ҳолда ахборот технологиялари-таълим самарадорлигини ошириш омили сифатида ташкил этишнинг асосий масалалари кўриб чиқилган.

Таянч сўзлар: глобаллашув, педагогик технологиялар, анимацион, ўқув жараёни, компьютер технологиялари, ресурслар, дастурий таъминот.

Аннотация: В статье рассмотрены основные вопросы организации информационных технологий как фактора повышения эффективности образования с использованием возможностей современных компьютерных технологий в образовательном процессе.

Ключевые слова: глобализация, педагогические технологии, анимация, процесс обучения, компьютерные технологии, ресурсы, программное обеспечение.

Summary: In the article, the main issues of organization of information technologies as a factor of increasing the effectiveness of education, using the possibilities of modern computer technologies in the educational process, are considered.

Key words: globalization, pedagogical technologies, animation, learning process, computer technology, resources, software.

Асrimиз глобаллашув ва ахборот асри деб юритилмоқда. Дарҳақиқат, ҳар томонлама ривожланаётган жамият тараққиётини бугун ахборот технологияларисиз, айниқса компьютерларсиз тасаввур етиш қийин.

Замонавий компьютер воситалари ва мултмедија технологиялари таълим жараёнида дидактик материал тайёрлаш вазифасини енгиллаштиради. Компьютер билан дидактик материалларни уйғунликда қўллаш ўрганилаётган мавзуни талабалар томонидан ўзлаштиришда катта ёрдам беради. Бундан 3500 йил муқаддам Конфуций «эшитганимни ёдимдан чиқараман, кўрганимни эслаб қоламан, мустақил бажарсан тушуниб етаман», деган екан. Таълимда информацион ҳамда педагогик технологияларни қўллаганда, ўқувчи эшитиш, кўриш, кўрганлари асосида мустақил фикрлаш имкониятига эга бўладилар. Бундан кўриниб турибдики ўқитишининг янги педагогик технологиялари қаторига, компьютер технологиясини киритиш зарурати кундан кунга ошиб бормоқда. Таълим жараёнида замонавий ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда дарсларни ташкил етиш учун маълум бир шарт-шароитлар ва техник воситалар мавжуд бўлиши лозим. Буларга ахборот ресурслари ва маҳсус дастурий таъминотлар киради.

Ахборот ресурсларига: шахсий компьютерлар, проектор, мултмедија воситалари, сканер, рақамли фотоаппарат, видео камера, принтер, нусха кўчирувчи қурилма ва бошқа ресурслар киради.

Маҳсус дастурий таъминотларга: таълим тизимида мултмедиали електрон ўқув адабиётлар, маъruzалар, вертуал лаборатория ишлари, ҳар хил анимацион дастурлар ва яна бошқа ишларни бажариш керак бўладиган нарса маҳсус дастурлар ҳисобланади. Бу дастурлар жуда кўп. Масалан: анимацион роликлар яратиш учун Macromedia Flash MX дастуридан фойдаланилади. Мултмедиали тақдимот маъruzаларини яратишда ҳаммамизга маълум бўлаган Power Point Macromedia Authorware дастури қўлланилади. Электрон ўқув адабиётларни яратиш давомида кенг фойдаланиладиган таҳрирловчи дастурлар ҳам мавжуд бўлиб, улардан Adobe Photoshop дастуридан расмларни таҳрирлаш, сифатини оширишда фойдаланилади, Corel Draw дастури орқали ҳар хил графикларни

яратиши мүмкін, товуш ва видеоларни таҳрирлаш учун эса мос равища Sound Forge va Adobe Premier дастурларидан кенг фойдаланилади. Шунингдек, таълим тизимида тайёр ишлаб чиқилған мультмедиалии электрон ўкув қўлланмалар мавжуд.

Ахборот коммуникация технологияларини таълим жараёнига қўллашда қўйидаги тамоилиларга амал қилиш лозим:

- қўшимча электрон заҳираларни, маълумотлар ва кутубхоналарни яратиш, тармоқдан ахборотни излашни таъминловчи маҳсус дастурий таъминотни ишлаб чиқиши керак;
- ўқитувчиларнинг ўкув-услубий ишларини такомиллаштириш, интернетдан фойдаланиш, ахборот технологиялари ва психология соҳалари бўйича мутахассис билан ҳамкорликни ўрнатиш;
- фан-техника ва технологияларнинг сўнги ютуқлари бўйича маълумотлардан фойдаланиш;
- компютер воситасида ўқитишида илғор педагогик технологиялар ва фаол методларни қўллаш;
- баҳолашда талабаларни фаоллиги ва мустақил ишлаш қоблиятига алоҳида эътибор қаратиш.

Хозирги кунда Гулистон давлат университетида ахборот коммуникация технологияларидан ўринли фойдаланиб келинмоқда. Жумладан барча дарсларида ҳам ахборот коммуникация технологияларидан унумли фойдаланиб келинмоқда. Ахборот коммуникация технологиялари таълим соҳасида, талабанинг ривожланишида ижобий ўзгаришига олиб келади, бунда идрок етиш, ҳиссий мотивация жараёнида улар талабанинг характеристига таъсир кўрсатади, бу вақтда таълим олувчини идрок етишга қизиқиши кучаяди. Ахборот коммуникация технологияларидан фойдаланиш таълим олувчининг ўкув жараёнида (мустақил ишлаш, ўз-ўзини тарбиялаш, ўз-ўзини ўқитиши, ўз фаоллигини ошириш, ўзи мустақил қарор қабул қилиш кўнилмаларини шакллантиради). Психологик тадқиқотларда ахборот коммуникация технологиялари таълим олувчиларни назарий-ижодий ва модулли-рефлексли

фикрлашларига таъсир кўрсатади, негаки ўқув ахборотларини компьютерда визуаллашуви тасаввур етишни шаклланишига таъсир кўрсатади, образли фикрлашда марказий ўрин эгаллаши, образли тасаввурлаш ёки бошқа хил намоён бўлишлар ва талабанинг хотирага олиш жараёни ўқув материалини қабул қилишни осонлаштиради ва ривожлантиради. Бунда қуйидаги асосий тамоийлларга амал қилиш лозим:

- инсонпарварлик, яъни инсонга ҳар томонлама ҳурмат ва муҳаббат кўрсатиш, унга ёрдамлашиш, унинг ижодий қобилиятига ишоч билан қараш;
- ҳамкорлик, яъни педагог ва талабалар муносабатидаги демократизм, тенглик, шериклик;
- эркинликни тарбиялаш, яъни шахсга унинг ҳаёт фаолиятининг кенг ёки тор доирасида танлаб олиш еркинлиги ва мустақиллигини бериш, натижаларни ташқи таъсирдан емас, ички ҳиссиётлардан келтириб чиқариш.

Хозирги вақтда фанларни ўқитишида турли дастурий педагогик воситалардан фойдаланилмоқда. Бу дастурий педагогик воситалар шахсга йўналтирилган, талабага қулай тарзда яратилган бўлиб, бунда маъруза, амалий, лаборатория ва мустақил иш топшириқларини тушунмаган жойида орқага қайтиш имкониятлари, ўзига қулай бўлган вақтда ишлаш имкониятлари унинг фанни тез ўзлаштиришига олиб келади. Бу еса ўз навбатида талабада ўзига бўлган ишончини оширади, унда компьютерда ишлаш жараёнида ўзини еркин тутиш имконияти туғилади, натижада ҳар-хил ҳис-ҳаяжонларга берилмайди, ўқитувчи ёрдамига камроқ еҳтиёж сезади, ўзини-ўзи тест саволлари орқали текшириб кўради, яъни ўзини-ўзи баҳолай олади, уни ҳеч ким ўқишига мажбурламайди, ўзи ихтиёрий равишда компьютерда ишлашга ўтади.

Хулоса қилиб айтганда ахборот коммуникация технологияларидан таълим жараёнида фойдаланилганда таълим-тарбия ишларининг самарадорлиги ошади, демак баркамол авлод ва йетук мутахассисларни тарбиялашда ахборот коммуникация технологиялари мухим омил бўлиб ҳисобланади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Ш.М.Мирзиёев. Эркин ва фаровон, демократик ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз.– Тошкент : Ўзбекистон, 2016. - 56 б.
2. Ш.М.Мирзиёев. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимидағи маърузаси. 7 декабр 2016 й.
3. Абдураимов, Достонбек Эгамназар Ўғли, Абдураим Намазович Адилов, and Алишер Пардабо Ўғли Турдиев. "АНИЗОТРОП ВА ИЗОТРОП ЖИСМЛАР УЧУН ТЕРМОЭЛАСТИК БОҒЛИҚ МАСАЛАНИНГ ИККИ ЎЛЧОВЛИ ҲОЛАТДАГИ МАТЕМАТИК МОДЕЛИ." *Scientific progress* 1.5 (2021): 449-453.
4. Таштемиров Д.Е., Абдураимов Д.Е., Джумабаева Я.Э. «СОВРЕМЕННЫЕ ТЕХНОЛОГИИ ИСПОЛЬЗОВАНИЯ СИСТЕМЫ ТЕСТИРОВАНИЯ В ОБРАЗОВАТЕЛЬНОМ ПРОЦЕССЕ». *Вестник Гулистанского государственного университета* 2018.4 (2018): 39-46.
5. Қулмаматов, С. И., Абдураимов, Д. Э., Норматова, М. Н., & Монасипова, Р. Ф. (2021). УГРОЗЫ В ИНТЕРНЕТЕ И СПОСОБЫ ИХ УСТРАНЕНИЯ. *Экономика и социум*, (7), 351-356.
6. Нуркулов, Ж. А. Ў. (2022). МОДЕЛИРОВАНИЕ ПРОЦЕССА ПЕРЕДАЧИ ДАННЫХ ПО ПРОТОКОЛАМ В КОРПОРАТИВНОЙ СЕТИ. *Science and innovation*, 1(A3), 158-163.
7. Абдураимов Д. Э. Ў., Адилов А. Н., Турдиев А. П. Ў. АНИЗОТРОП ВА ИЗОТРОП ЖИСМЛАР УЧУН ТЕРМОЭЛАСТИК БОҒЛИҚ МАСАЛАНИНГ ИККИ ЎЛЧОВЛИ ҲОЛАТДАГИ МАТЕМАТИК МОДЕЛИ //*Scientific progress*. – 2021. – Т. 1. – №. 5. – С. 449-453.
8. Abdubanapovich, Yuldashev Ulmasbek, and Samatboyeva Marjona Baxtiyor Qizi. "RAQAMLI TEKNOLOGIYALARINING TA'LIM SOHASIDA QO 'LLANILISHI." *Science and innovation* 1.B3 (2022): 110-113.
9. Mavlonov S. X. et al. TA'LIM JARAYONIDA CROCODYLE ICT DASTURIDAN FOYDALANISH //*Science and Education*. – 2021. – Т. 2. – №. 3. – С. 323-327.